



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI


1928 йил 11 декабрда асос солинган

1999 йил 14 апрель, чоршанба

№ 30 (11.113)

Эркин нарҳда сотилади

## ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ



Шу йил 31 март кuni мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Олий Мақтаб фанлари Халқаро Академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланган эди. Москвада жойлашган ушбу даргоҳнинг президиуми Ўзбекистон раҳбарини мамлакатда илм-фан ва таълимни ривожлантириш соҳасидаги улкан хизматлари учун, хусусан, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида ушбу унвонга сазовор деб топган. 12 апрель кuni Халқаро Академия президенти В. Шукшун Ислам Каримовга фахрий аъзолик дипломини тақдим этди.

Россиялик меҳмон дипломини топширар экан, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан бемисл экани, унинг замонга мослиги ва ҳар қандай талабга жавоб беришини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбарияти ўз олдига қўйган улкан мақсадларига таълим соҳасини кенг миқёсда ислоҳ қилиш ва кучайтириш орқали эришиш мумкинлигини яхши англаб етиб, бу борада барча имкониятларни ишга солимоқда. Бунда, айниқса, Президент Ислам Каримовнинг ўрни беқиёсдир, деди В. Шукшун.


Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги таълим соҳасида рўй берган ва бераётган улкан ўзгаришлар дунёнинг ҳеч бир мамлакатига кузатилмайдиган. Япония, АКШ, Канада сингари ривожланган давлатларда ҳам ялпи миллий махсуслотнинг 4-5 фоизи ёшлар таълим-тарбиясига қаратилади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 1998 йилда 7,6 фоизни ташкил этди. Жорий йилда уни 8,1 фоизга чиқариш режалаштирилган.

Президент Ислам Каримов Халқаро Академия Дипломини қабул қилиб олган экан, бу ҳужжат Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришларнинг эътирофи эканини, илмнинг миллати бўлмаслигини таъкидлади. Ҳаёт — қураш, янги аср

бир мамлакатда бошланғич ёки ўрта таълим даргоҳини тугатган ўмирларнинг қанчаси ўз ўрнини топиб кетяптию, қанчаси бекор юргани жиддий тадқиқ этилмайди. Ваҳоланки, улар онги, тафаккури, дунёқараши энди шаклланиётган ёшлардир. Уша пайтда улар очик денгиздаги кемага ўхшаб қолади — фойдали томонга бурилса, жамият ва давлат равнақи учун айни муддао, аксинча бекорчилик туфайли кингир йўлларга юрса, қони зарар бўлади. Эндилда мамлакатимизда бошланғич ёки ўрта таълимга эга бўлган ўсмирлар қамида битта қасбнинг эгаси ҳам бўлади. Бу эса, шубҳасиз, ёшларимизнинг ҳаётида ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Олий мақтаб фанлари Халқаро Академиясининг Дипломини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, В. Голишев, Т. Рискиев, Н. Жураев, Бош Вазир ўринбосари Х. Караматов иштирок этди.

Суратда: диплом топшириш пайти. А. ТУРАЕВ олган сурат.



ДИПЛОМ АКАДЕМИКА

## «ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ...»

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, маданият ва санъат арбоблари ҳамда журналистлар билан ҳамкорликда «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деб номланган ислохот жонқурлари ижодий гуруҳини ташкил этди.

Ижодий гуруҳ олий ва махсус ўқув юрталарининг талаба-ўқувчилари, жойлардаги меҳнат жамоалари, маҳаллаларда Президент Ислам Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг моҳияти ва мазмунини атрофлича тушунтириш, маънавий-ахлоқий, диний ва ҳуқуқий билимларни кенг ёйиш, мафзуравий таҳдидларнинг олдини олиш борасида суҳбатлар ўтказиш, ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллий ғоя, миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш ва бадий эстетик эhtiёжларини қондириш вазифалари бўйича тарғибот ишларини олиб боради.

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲАҚИДА Тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 1999 йил, 14 апрель кuni соат 10да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 14 апрель кuni соат 8дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

## Вилоят ҳаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

## «ХИЛОЛ-СЕРВИС» ИШ БОШЛАДИ

Дўстобод шаҳри марказида аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган «Хилол-сервис» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Қуйичирчиқ туманидаги энг йирик маиший хизмат муассасаларидан бири бўлган ушбу янги корхона сурат-чоралар, заргарлик, соат-созлик, музлатгичларни таъмирлаш устaxonаларидан ташкил топган. Айниқса, шахсий автомашиналарни таъмир-

лашга ихтисослашганлиги аҳоли учун айни муддао бўлди. «Хилол-сервис» яқин кунларда тумanning энг чекка қишлоқларида телерадио аппаратлари устaxonалари ва бошқа маиший хизмат турларини ҳам йўлга қўя бошлайди.

Самад САРИМСОҚОВ.

## Йўлингиз тушса, кириб ўтинг

АНГРЕНДА Наврўз иншоотларини барпо этиш ишлари давом этмоқда. Яқинда «Ангрентаом» хиссасдорлик жамияти халқаро йўл бўйида барпо этган янги ошонналар хўрандаларга хизмат кўрсата бошлади.

Бир йўла юз нафар кишининг оқатланиши учун мўлжалланган «Малика» ошоннасининг учта зали бор. Енида ўттизта машина туришига мўлжалланган майдон ҳам яратилган.

азёолари учун дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Улар баҳор таоми сумалак билан ҳам сийланди. Шу ошонналар очилиши муносабати билан «Ангрентаом» хиссасдорлик жамияти маъмурияти 40 минг сўмлик хайрия тadbирларини амалга оширди.

«Даврон» ошоннаси эса 250 кишига мўлжалланган. У очилидаган кунини бир гуруҳ фахрийлар, кам таъминланган оилалар

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

## «АЁЛ, ОИЛА, МАЪНАВИЯТ»

ВИЛОЯТ «Маънавият ва маърифат» марказининг Пскент тумани бўлими «Аёллар йили»да қатор тadbирлар режалаштирган эди.

Бўлиб ўтган «Она — оқила аёл», «Нафосат аёлдан бошланади», «Қайнона — ўз онангдек она» мавзуларидаги суҳбатлар сермазмунлиги ва туман ҳаётидан олинган мисоллар билан бойитилганлиги туфайли иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

«Она — оқила аёл», «Нафосат аёлдан бошланади», «Қайнона — ўз онангдек она» мавзуларидаги суҳбатлар учун танлов эълон қилди. Йил охирида яқунланадиган қў тadbир голиблари қимматбахона савгалар билан тақдирландилар.

Яқинда марказ туман газетаси «Меҳнат байро-

Шажло БЕКНАЗАРОВА.

## ЭНГ ЯХШИ ТУҲҒА

КИБРАЙ туманида қишлоқларни ободонлаштириш, хусусан, газлаштириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Бу соҳада «Турон» жамоа ҳўжалиги ҳудудидаги «Узумзор» маҳалласида амалга оширилган ишлар диққатга сазовордир. Маҳаллада қиска муддатда уч километрлик масофага газ қувурлари тортиб келти-

рилди ва кўплаб хонадонларда «зангори олов» ёна бошлади. «Бу аёллар йилида биз, хотин-қизлар учун энг яхши туҲҒА бўлди» деб айтишмоқда уй бекалари.

Носир ИСАЕВ.

## ИЖТИМОЙ МАЖМУА МАЖЛИСИ

ВАЗИРЛАР Маҳкамасининг ижтимоий мажмуи таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар шу йил бошидан бўён иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, «Аёллар йили» давлат дастурини бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида кўзда тутилган топшириқ ва кўрсатмаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури, шунингдек, маданий-маърифий соҳаларни бозор иқтисодиёти шaroитига уйғун равишда ривожлантириш боришини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Ойига қадар уларнинг умумий сони 2772 кишини ташкил этди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашда ҳам бирмунча ижобий натижаларга эришилди. Қишлоқ ва шаҳар, шунингдек, маҳалла врачлик пунктларида ишлаш учун минг нафардан зиёд врач тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий мажмуининг шу йил биринчи чорагидаги фаолиятига бағишланган мажлисда ана шу ҳақда гап борди. Унда тегишли вазирлик ва кўмиталар, идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари, жамғармалар ва ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўқув муассасаларида талабалар маънавий тарбиясига эътибор қўйилди. Бу борада профессор-ўқитувчиларнинг маҳалла кенашлари, ота-оналар билан ҳамкорлиги яхши натижа бермоқда. Ёшларнинг спортга қизиқиши тобора ортимоқда. Талабаларнинг билим савиясини баҳолашда тест синовларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Рейтинг тизимининг жорий этилиши билимлар синовини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Караматов олиб борди.

Халқ таълими вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуksиз таълимни дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида 1999/2000 ўқув йили учун нашриётларга 684 номдаги дарслик ва қўлланмаларга буюртма берилди. Ҳозирдак 1-синф ўқувчилари учун 45 номда, 2-11 синфлар учун 16 номдаги дарслик нашрдан чиқарилиб жойларга юборилди. Биргина «Ўзбекистон» нашриятининг ўзи етти тилда 640 номдаги 75 миллион нусха дарслик ва қўлланмалар тайёрлаб беради.

Мажлисда кўрсатиб ўтилган айрим қамчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, шунингдек, «Аёллар йили» давлат дастурининг ижодий эътибор берилмоқда. Йил бошидан бўён 230 врач шахсий врачлик амалиёти учун лицензия олди. Апрель

Халқ таълими вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуksиз таълимни дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида 1999/2000 ўқув йили учун нашриётларга 684 номдаги дарслик ва қўлланмаларга буюртма берилди. Ҳозирдак 1-синф ўқувчилари учун 45 номда, 2-11 синфлар учун 16 номдаги дарслик нашрдан чиқарилиб жойларга юборилди. Биргина «Ўзбекистон» нашриятининг ўзи етти тилда 640 номдаги 75 миллион нусха дарслик ва қўлланмалар тайёрлаб беради.

Мажлисда кўрсатиб ўтилган айрим қамчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, шунингдек, «Аёллар йили» давлат дастурининг ижодий эътибор берилмоқда. Йил бошидан бўён 230 врач шахсий врачлик амалиёти учун лицензия олди. Апрель

Халқ таълими вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуksиз таълимни дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида 1999/2000 ўқув йили учун нашриётларга 684 номдаги дарслик ва қўлланмаларга буюртма берилди. Ҳозирдак 1-синф ўқувчилари учун 45 номда, 2-11 синфлар учун 16 номдаги дарслик нашрдан чиқарилиб жойларга юборилди. Биргина «Ўзбекистон» нашриятининг ўзи етти тилда 640 номдаги 75 миллион нусха дарслик ва қўлланмалар тайёрлаб беради.

## СУСТКАШЛИКНИНГ МАВРИДИ ЭМАС

Вилоятимизда кунига 3 минг гектардан зиёд майдонга уруғ қадалмоқда. Шу кунгача 30 минг гектарга яқин ерга чигит экилди

Бу йил апрель об-ҳавоси беқарор келди. Уқтин-уқтин ёғиб турган ёмғир чигитни жадал сурьатларда экиб олишга ҳалал беряпти. Устига-устак ҳарорат ҳам ҳадеганда кўтарилимай, ернинг этилишини орқага суряпти. Шунга қарамай, мавсумга пухта тайёргарлик кўрган, баҳона эмас, имконият излашни одат қилган туманларда чигит экишда юқори сурьатга эришилмоқда.


Жумладан, Янгийўл тумани ҳокимлигида тузилган махсус штаб ўзининг ҳар кунги ййгилишини экишдан орқда қолаётган ҳўжаликларда ўтказиб, қамчилик ва нуқсонларни жойида бартараф этиб бормоқда. Натижада бу-

лоса чиқариб, бу йил чигитни барвақт ва сифатли экиб олиш билан эртаки ҳўсил этиштириш учун замин яратмоқдалар. Афсуски, айрим туманларда бу йилги экиш мавсумига яхши тайёргарлик қўрилмаганлиги, раҳбар ва мутахассислар ишини ташкил этишда сусткашлик ва масъулиятсизликка йўл қўётганиликлари яққол сезилиб қолмоқда. Чўночи, Пскент туманида айрим кунларда дала-

сурийатни бўшаштириб юбордилар. Эндигина бешдан бир майдонга уруғ ташланди, холос. Шунингдек, оққўрғонликлар ҳам вилоят бўйича ўртанча кўрсаткичдан орқда қолмоқдалар. Сабаби — ташкилотчилик этишмаяпти, бор имкониятлар тўла ишга солинмаяпти.

Вилоятимизда чигитни 15 апрелдан кечиктирмай экиб олиш режалаштирилган эди.

Абдусаммад ЙўЛДОШЕВ.



гунги кунгача жами пахта майдонининг қарийб 65 фоизига барақа уруғи қадаб бўлинди.

Ҳозиргача 45 фоиздан кўп майдонга чигит экишга улгурган Чиноз тумани далаларида ҳам мавжуд экиш агрегатларидан унумли фойдаланилмоқда. Қуйичирчилик пахтакорлар ўтган йилги сабоқлардан тўғри ху-

ларга экиш агрегатлари умуман чиқарилмаепти. Оқибатда ҳали 15 фоиз майдонга ҳам чигит экилгани йўқ. Сурьат шундай давом этадиган бўлса, туман пахтакорлари ўтган йилги ютуқларни бой бериб қўйишлари мумкин. Мавсум бошида сурьатга зўр берган бўқаликлар бугунги кунга келиб, негадир

Вилоятимизда чигитни 15 апрелдан кечиктирмай экиб олиш режалаштирилган эди.

СУРАТЛАРДА: Уртачирчиқ туманидаги «Истиқбол» очик турдаги хиссасдорлик жамияти бошқаруви раиси (чапдан) Абдулло Тошқужаев, бош ҳосилиёт Абдулвазир Хожиматов ва селквачи Олим Қурданбоев экилаётган чигитнинг сифатини кўздан кечирмоқдалар; тажрибали механизатор Улғубек Эргашев; экиш пайти. Даврон АҲМАД олган суратлар.





